



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

№4

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2025



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2025 йил, 4-сони

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎзР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:

и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

Бош муҳаррир

ўринбосари:

и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

Масъул котиб:

и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

Муҳаррирлар:

и.ф.д., доцент Ф.А.Сафаров
PhD, доцент И.М.Пардаева
PhD, И.Ш.Эрназарова

Техник муҳаррир:

и.ф.н., проф. А.Н.Холиқулов

Корректор:

PhD, доц. С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:

PhD Х.Н.Очилова

1 йилда 4 маротаба
чоп этилади.

Ўзбекистон худудида
тарқатилади.

Тахририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,
+998(97)913-74-40

факс: +998(366)231-12-53
эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Тахририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти ректори, и.ф.д., профессор

Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

Тахрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,
профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – и.ф.д., профессор.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

М.Р.Болтабаев – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

А.Бектемиров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ профессори в.б., иқтисод
фанлари доктори

Л.Н.Халикова – СамИСИ профессори, DSc

Ф.А.Сафаров – СамИСИ доценти, DSc

А.М.Каримова – СамИСИ профессори в.б., DSc

И.Б.Маттиев – СамИСИ профессори, DSc

МУНДАРИЖА:

НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ	
Саидахроп Саидахмедович Фуломов, Мамаюнус Қаршибоевич Пардаев, Мунаввархон Хаётовна Мухитдинова, Дилшод Субонкулович Пардаев Таълим сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган сунъий интеллектдан Янги Ўзбекистонни шакллантиришда фойдаланиш имкониятлари	5
Умар Худайбердиев Ўзаро манфаатли ҳамкорлик – иқтисодий ривожланишнинг муҳим омили	11
Соҳибназар Каримов “Авесто” жамият тараққиётининг иқтисодий мезонлари ҳақида	14
РАҚАМЛИ ВА ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ	
Abdumalik Bektemirov Яшил иқтисодиёт шароитида инсон капитални ривожлантириш: стратегик ёндашувлар ва барқарор ўсиш омиллари	19
Fazilat Esirgarpovna Jomonqulova, Nodir Rasulovich Zaynalov, Shohrux Djurabekovich Abdurasulov Korxonaning ERP axborot tizimini yaratishda xavfsizlik elementlari haqida	22
Мохигул Эркиновна Ахтамова Управление информационно-экономических систем цифровизации бизнеса и перспективы её развития в Республике Узбекистан	26
Abdumalik Bektemirov, Bekzod Muxiddin o‘g‘li Abduvaliyev Qurilishda investitsion va innovatsion faollikni oshirishning dolzarb masalalari	31
Қаюм Ҳамраевич Собиров Табиий қор-ёмғир суви ресурсидан оқилона фойдаланиш орқали мамлакатни сув танқислигидан сақлаб қолиш омиллари	34
Ashur Ali Rustam o‘g‘li Latipov, Abdulxofiz Jamshid o‘g‘li Hamrayev Sun‘iy intellekt yordamida xodimlarning mehnat samaradorligini monitoring qilish	42
Дилрабо Шермоновна Тухтамишева Рақамли технологиялар ёрдамида таълим муассасаларида ўқув сифатини юксалтириш йўналишлари	46
САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ	
Рузибой Нормакматов, Уктам Абдуғани ўғли Абдурайимов Озиқ-овқат маҳсулотларида кофеин миқдори, аҳамияти ҳамда хусусиятлари	51
Фарида Абдухалимовна Ахмеджанова Структурные особенности тканей как фактор формирования потребительских свойств текстильных изделий	54
Jamshidjon Sadullaevich Urazov Improving economic partnerships in the dairy value chain	59
Ruziboy Normaxmatov, Akram Gafurov, Oqila Satimbayeva, Xurmo – makro va mikroelementlarga boy mujizaviy mevadir	62
ТАДБИРКОРЛИК, МЕХНАТ, БАНДЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ	
Rustam Tohir o‘g‘li Murodov, Pхom Achilovich Usmonov Qurilish obyektlarini loyihalashtirish jarayonining xususiyatlari	65
ХИЗМАТ КўРСАТИШ ВА СЕРВИС	
Обид Мамаюнусович Пардаев Коммунал хизматлар самарадорлигини оширишга таъсир этувчи омиллар ва уларни аниқлаш йўллари	69

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС

Обид Мамаюнович Пардаев – ЎзР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Энергия самарадорлиги миллий агентлиги директорининг 1-ўринбосари

КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР ВА УЛАРНИ АНИҚЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация. Мақолада коммунал хизматлар самарадорлигини оширишга таъсир этувчи омиллар ва уларни аниқлаш йўллари қараб чиқилган. Бунда мазкур хизматлар ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар самарадорлигини оширишга таъсир этувчи омилларни тўрт гуруҳга бўлиб ўрганиш тавсия қилинган. Булар иқтисодий, ижтимоий, техник ва экологик самарадорликлар бўлиб, буларнинг мазмуни, ҳар бир гуруҳга кирувчи кўрсаткичларнинг йўналишлари ҳам очиб берилган.

Калит сўзлар: коммунал хизматлар, иқтисодий самарадорлик, ижтимоий самарадорлик, техник самарадорлик, экологик самарадорлик, омиллар, мультипликатив модел, занжирли алмаштириш.


Кириш. Мамлакатимизда уй-жой коммунал хўжалиги томонидан кўрсатиладиган хизматларга алоҳида аҳамият берилмоқда. Чунки аҳоли фаровонлигининг бир йўналиши айнан шу хизматлар билан боғлиқдир. Ушбу ҳолатларни инобатга олиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 августдаги «Маъмурий ислохотлар доирасида қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-151-сон Фармони қабул қилинди. Ушбу фармоннинг ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 17 апрелда имзоланган “Ўзбекистон Республикаси қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда унинг тизимидаги ташкилотлар тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 214-сонли Қарори ҳам тасдиқланди. Ушбу Фармон, Қарор, Низом ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Тошкент шаҳар Қурилиш ва Тошкент шаҳар Уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармалари ҳамда уларнинг туман бўлимлари, вилоятлар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармалари ҳамда туман бўлимларининг асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, жавобгарлиги ва фаолиятини ташкил этиш тартибини белгиланди. Кўришиб турибдики, мазкур масала мамлакатимиз миқёсида кенг кўламли вазифаларни ўз ичига қамраб олган. Айнан ушбу масалалар мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Тадқиқот методологияси. Мақолада коммунал хизматлар самарадорлигини оширишга таъсир этувчи омиллар ва уларни аниқлаш йўллари тадқиқ қилиш жараёнида макон ва замон, индукция ва дедукция, шакл ва мазмун, таҳлил ва синтез, мультипликатив услублардан ва иқтисодий таҳлилнинг занжирли алмаштириш каби усулларидан фойдаланилган. Бунда асосан мантиқий таҳлил усулларидан ҳам фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Коммунал хизматлар самарадорлиги аҳолига ва корхоналарга кўрсатиладиган иссиқлик таъминоти, ичимлик суви, канализация, электр энергияси, газ таъминоти ва бошқаларни етказиб бериш билан боғлиқ хизматларнинг қандай даражада эканлигини ифодаланади. Ҳозирги пайтда кўрсатилаётган коммунал хизматлар сифатли ҳолда, тежамкор технологиялар билан самарали ва узлуксиз етказиб берилишини лозим бўлган хизматлардан иборатдир. Қисқача қилиб айтганда, коммунал хизматлар самарадорлиги бир қанча йўналишларда бир қанча кўрсаткичлар билан ифодаланади.

Буларни бевосита қуйидаги йўналишларда ифодалаш мумкин. Чунки ушбу хизмат жуда кўп жараёнлар, моддий-техника воситалари, инсон омили, табиатнинг ва ундаги хароратларнинг ўзгариши кабилар билан боғлиқдир. Шу туфайли ушбу омиллар

иқтисодий, ижтимоий, техник ва технологик, экологик каби омиллар гуруҳини камраб олади. Буларнинг йўналишлари қуйидаги расмда ўз ифодасини топган (1-расм).



1-расм. Коммунал хизматлар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар

Расмдан кўриниб турибдики, коммунал хизматлар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни соҳанинг хусусиятларидан келиб чиқиб, тўртта гуруҳга бўлиш тавсия қилинди. Буларни қуйидагича изоҳлаш мумкин.

Биринчидан, **иқтисодий самарадорлик** бўлиб, ушбу гуруҳга моддий ва меҳнат ресурслари самарадорлиги билан боғлиқ кўрсаткичлар киради. Ушбу кўрсаткичларни аниқлаш учун кўрсатилган коммунал хизматлар ҳажмидан тушум миқдорини соҳада банд бўлган ходимлар сони ва коммунал хизмат соҳасининг моддий-техника базасининг умумий қийматига нисбатан олинади. Шунингдек, натижа кўрсаткичини харажатларга нисбати билан ҳам аниқлаш мумкин. Ушбу кўрсаткич мазкур соҳада харажатларни қоплаш даражасини ифодалайди.

Иккинчи гуруҳ кўрсаткичлар **ижтимоий самарадорлик** бўлиб, бу бевосита аҳоли розилиги, уларга кўрсатиладиган хизматлар сифати, аҳолининг мазкур хизматлар билан таъминланганлик даражаси кабилар билан ифодаланади.

Учинчи гуруҳ кўрсаткичларга **техник ва технологик самарадорлик** кўрсаткичлари киради. Бунга тармоқлардаги йўқотишлар, энергия сарфи, ускуналарнинг ҳолати каби кўрсаткичлар киради.

Тўртинчи гуруҳ кўрсаткичларга **экологик самарадорлик** кўрсаткичи киради. Ушбу кўрсаткич чиқиндиларни камайтириш, сув ва энергияни тежаш, чиқиндиларнинг табиатга таъсирни камайтириш кабиларни киритиш мумкин.

Ҳар бир гуруҳ кўрсаткичларни аниқлаб, уларга амалий маълумотларни қўллаб, ҳар бирини алоҳида ва ҳаммасини жамлаган ҳолда комплекс таҳлил қилиш мумкин.

Коммунал хизматлар самарадорлигини ошириш оқибатида бир қанча натижаларга эришилади. Бунда хўжалик юритувчи субъектлар нуқтаи назаридан иқтисодий самарадорликка эришилиши таҳлил қилинса, аҳоли нуқтаи назаридан, ижтимоий самарадорлик қўлга киритилади. Ижтимоий ва иқтисодий самарадорлик учун техник ва технологик

самарадорликни ошириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Атроф-муҳит ва табиат нуқтаи назаридан экологик самарадорлик кўрсаткичларини аниқлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Хуллас, коммунал хизматлар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни яхшилаш натижасида бир қанча қулайликларга эришилади. Булар жумласига аҳоли учун арзонроқ ва сифатли хизматларнинг кўрсатилиши, энергия ва ресурсларнинг тежалиши, муассасалар ва давлат бюджети учун харажатларни камайтириш имкониятлари, табиатга етказиладиган зарарнинг камайиши, уй-жой-коммунал хўжалиги соҳасининг барқарор ривожланиши кабилар таъминланади.

Тадқиқот жараёнида коммунал хизматлар самарадорлигини оширишга таъсир қилувчи омилларни аниқлашни ҳам тақозо қилади. Омиллар таъсирини аниқлашнинг методикасини битта кўрсаткич мисолида кўрсатиб беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Ушбу мисолни коммунал хизматларга жалб қилинган моддий ресурслар самарадорлиги мисолида қараб чиқамиз. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз.

$$KXc = \frac{Kx}{KXc};$$

Бунда: KXc – коммунал хизматларни кўрсатувчи битта субъектнинг самарадорлиги;

Kx – кўрсатилган коммунал хизматлар ҳажми;

KXc – коммунал хизматларни кўрсатувчи субъектлар сони.

Мазкур кўрсаткичнинг ўзгаришига бир қанча омиллар таъсир қилади. Буларга коммунал соҳада банд бўлган ходимларнинг қуролланганлик даражаси, коммунал хизмат кўрсатувчи битта субъектга тўғри келадиган ходимлар сони, коммунал хизмат соҳасининг моддий-техника базасининг умумий қийматига тўғри келадиган коммунал хизматларни кўрсатувчи субъектлар сони (млн. сўм). Ушбу омилларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш учун қуйидаги формулани тавсия қиламиз.

$$KXc = \frac{Kx}{KXc} = \frac{Kx}{Mtb} * \frac{Mtb}{Xc} * \frac{Xc}{KXc};$$

Бунда: Xc – коммунал соҳада банд бўлган ходимлар сони;

Mtb - коммунал соҳасининг моддий-техника базаси (асосий воситалар ўртача қиймати);

Xc – коммунал хизматларни кўрсатувчи субъектларда банд бўлган ходимлар сони;

$\left(\frac{Kx}{Mtb}\right)$ – коммунал соҳага жалб қилинган моддий-техника базаси самарадорлиги;

$\left(\frac{Mtb}{Xc}\right)$ – коммунал соҳада хизмат кўрсатувчи ходимларнинг қуролланганлик даражаси;

$\left(\frac{Xc}{KXc}\right)$ – коммунал хизмат кўрсатувчи субъектларга тўғри келадиган соҳада банд бўлган ходимлар сони.

Мазкур формулани ихчамлаштириб, омилларни ҳисоблаш учун буларни мультипликатив модел типига келтириб олиш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун натижа кўрсаткичини “У” билан белгилаб, қолган омилларни мос равишда “ R_i ” билан ($i=1,2,3\dots n$) белгилаб оламиз. Бу ҳолатда юқоридаги формула қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$Y = R_1 * R_2 * R_3 = \sum_{i=1}^n R_i;$$

Ушбу формулага асосан натижа кўрсаткичининг фарқи (ΔY) аниқланади. Бунинг учун омилларнинг ҳақиқий миқдоридан ($R_1^x * R_2^x * R_3^x$) унинг режадаги миқдори ($R_1^p * R_2^p * R_3^p$) айрилади. Бу қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$\Delta Y = (R_1^x * R_2^x * R_3^x) - (R_1^p * R_2^p * R_3^p);$$

Бунда x – ҳақиқий; p – режа ёки асос йили маълумоти.

Энди натижа ўзгаришига биринчи омилнинг таъсирини аниқлаш (ΔY_{R1}) лозим бўлади. Бунинг учун натижанинг биринчи омил ўзгариши билан аниқланган миқдоридан

$(R_1^x * R_2^p * R_3^p)$, натижанинг режадаги миқдори $(R_1^p * R_2^p * R_3^p)$ айрилади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$\Delta Y_{R1} = (R_1^x * R_2^p * R_3^p) - (R_1^p * R_2^p * R_3^p);$$

Натижа ўзгаришига иккинчи омилнинг таъсирини аниқлаш (ΔY_{R2}) учун натижанинг иккинчи омил ўзгариши билан аниқланган миқдоридан $(R_1^x * R_2^x * R_3^p)$, натижанинг биринчи омил ўзгариши билан аниқланган миқдори $(R_1^x * R_2^p * R_3^p)$ айрилади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$\Delta Y_{R2} = (R_1^x * R_2^x * R_3^p) - (R_1^x * R_2^p * R_3^p);$$

Ўрганилаётган натижа кўрсаткичининг ўзгаришига учинчи омилнинг таъсирини аниқлаш (ΔY_{R3}) учун натижанинг учинчи омил ўзгариши билан аниқланган миқдоридан $(R_1^x * R_2^x * R_3^x)$, натижанинг иккинчи омил ўзгариши билан аниқланган миқдори $(R_1^x * R_2^x * R_3^p)$ айрилади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$\Delta Y_{R3} = (R_1^x * R_2^x * R_3^x) - (R_1^x * R_2^x * R_3^p);$$

Барча омиллар таъсири натижанинг умумий фаркига тенг бўлиши лозим. Ушбу кўрсаткич қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\Delta Y = \Delta Y_{R1} \pm \Delta Y_{R2} \pm \Delta Y_{R3};$$

Мазкур формулага амалий маълумотларни қўллаган ҳолда коммунал хизматларни кўрсатувчи соҳа самарадорлиги ўзгаришига юқоридаги омиллар таъсирини ҳисоблаш мумкин бўлади. Бунинг учун қуйидаги жадвал маълумотларидан фойдаланиш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Коммунал хизматлар самарадорлигини ифодаловчи моддий ресурслар билан боғлиқ кўрсаткичлар ўзгаришига таъсир этувчи омилларнинг 2020-2024 йиллардаги ўзгаришларининг ҳисоб-китоби

Т/р	Кўрсаткичлар номи	бирлик	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2023 йил	2024 йил
1	Коммунал соҳада кўрсатилган хизматлар ҳажми	млрд.с ўм	3056,0	3591,2	3539,0	3786,8	6210,3
1.1.	Ўзгариш суръати	%	100,0	117,5	115,8	123,9	203,2
2	Коммунал соҳада банд бўлган ходимлар (штат бирликлари) сони	киши	24 258	23 876	23 997	26 481	27 183
2.1.	Ўзгариш суръати	%	100,0	98,4	98,9	109,2	112,1
3	Коммунал хизматларни кўрсатувчи субъектлар сони	дона	17	17	17	17	17
3.1.	Ўзгариш суръати	%	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
4	Коммунал соҳаси асосий воситаларининг ўртача қиймати	млрд.с ўм	4 911	6 332	9 155	11 597	14 190
4.1.	Ўзгариш суръати	%	100,0	128,9	186,4	236,1	288,9
5	Коммунал хизматларга жалб қилинган моддий ресурслар самарадорлиги (1к/4к)	млн. сўм	622,3	567,2	386,6	326,5	437,7
5.1.	Ўзгариш суръати	%	100,0	91,1	62,1	52,5	70,3
6.	Коммунал соҳада банд бўлган ходимларнинг қуролланганлик даражаси (4к/2к)	млн. сўм	20,25	26,52	38,15	47,37	52,20
6.1.	Ўзгариш суръати	%	100,0	131,0	188,4	233,9	257,8

7.	Коммунал соҳада банд бўлган ходимларнинг меҳнат унумдорлиги (1к/2к)	млн. сўм	126,0	150,4	147,5	137,8	228,5
7.1.	Ўзгариш суръати	%	100,0	119,4	117,1	109,4	102,0
8.	Коммунал хизмат кўрсатувчи битта субъектга тўғри келадиган ходимлар сони (2к/3к)	киши	1426,9	1404,5	1411,6	1557,7	1599,0
8.1.	Ўзгариш суръати	%	100,0	98,3	98,8	109,0	111,9
9.	Коммунал соҳада 1 млрд. асосий воситаларга тўғри келадиган субъектлар сони (3к/4к)	дона	3,462	2,684	1,857	1,492	1,198
9.1.	Ўзгариш суръати	%	100,0	77,6	53,6	43,8	34,6

Мазкур жадвалдан кўриниб турибдики, коммунал хизматлар самарадорлигини ифодаловчи моддий ресурслар билан боғлиқ кўрсаткичлар ўзгаришига таъсир этувчи омиллар ҳисоб-китоби 2020-2024 йилларда турли даражаларга эга бўлган. Мазкур кўрсаткичларни алоҳида қараб чиқадиган бўлсак, қуйидаги ҳолатларнинг кузатилганлигини кўриш мумкин.

Таҳлил даврида коммунал соҳада кўрсатилган хизматлар ҳажми 6210,3 млрд. сўмни ташкил қилган бўлиб, 2020 йилга нисбатан 203,2 %га ўсган. Худди шундай жадаллик билан ўсиш коммунал соҳаси асосий воситаларининг ўртача қийматида ҳам содир бўлган. Ушбу таҳлил қилинаётган даврда мазкур кўрсаткичнинг ўзгариш суръати 288,9 %ни ташкил қилган. Бундай жадал ўсиш коммунал соҳада банд бўлган ходимларнинг қуролланганлик даражаси ўзгаришида ҳам содир бўлган. Ушбу кўрсаткичнинг ўзгариш суръати 257,8 %ни ташкил қилган. Шу даврда мамлакатимиз бўйича коммунал хизматларни кўрсатувчи субъектлар сони ўзгармасдан қолган. Бунинг ўзгариш суръати шу йилларда 100 %ни ташкил қилган. Коммунал соҳада банд бўлган ходимларни сонининг ўзгариши 2024 йилда 2020 йилга нисбатан 112,1 %ни ташкил қилган. Ушбу кўрсаткичнинг ўзгариш суръати 2021 йилда 2020 йилга нисбатан 98,4 %ни 2022 йилда эса 98,9 %ни ташкил қилган ҳолос. Коммунал соҳаси асосий воситаларининг ўртача қиймати, юқорида таъкидланганидек, кескин ошганлиги ва коммунал соҳада кўрсатилган хизматлар ҳажми унга нисбатан пастлиги туфайли коммунал хизматларга жалб қилинган моддий ресурслар самарадорлиги кескин тушб кетган. Ушбу кўрсаткичнинг ўзгариш суръати 2024 йилда 2020 йилга нисбатан 70,4 %ни ташкил қилган. Бу кўрсаткичнинг ўзгариш суръати 2021 йилдан 2023 йилгача ҳам камайиб келган. Коммунал хизматлар самарадорлигига таъсир этувчи омиллардан бири, коммунал хизмат кўрсатувчи битта субъектга тўғри келадиган ходимлар сонидир. Ушбу кўрсаткичнинг ўзгариш суръати 2024 йилда 2020 йилга нисбатан 111,9 %ни ташкил қилган. Юқоридаги омиллар натижасида натижавий кўрсаткич коммунал хизматларни кўрсатувчи битта субъектнинг самарадорлиги ҳам салгина ошган ва 2024 йилда 2020 йилга нисбатан ушбу кўрсаткичнинг ўзгариш суръати 102,0 %ни ташкил қилган.

Юқоридаги таҳлилий маълумотлар коммунал хизматлар самарадорлигига таъсир қилувчи омиллар бўлиб, булар бир-бири билан узвий равишда боғлиқ ҳолда ўзгарган. Булардан келиб чиқиб, коммунал хизматлар самарадорлиги ўзгаришига алоҳида омиллар таъсирини ҳисоблаб чиқиш мумкин. Бунинг учун юқорида келтирилган иқтисодий таҳлилнинг мултипликатив модели ва занжирли алмаштириш усулларида фойдаланишни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Мазкур усулнинг аниқ маълумотлар асосида ҳисобланиш йўллари қуйидаги жадвалда келтиришни мақсадга мувофиқ, деб топдик (2-жадвал).

2-жадвал

Коммунал хизматлар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ўзгаришига таъсир этувчи омилларнинг 2020-2024 йиллардаги ҳисоб-китоби

Т/р	Омиллар ва натижа кўрсаткичи	2020 йил	2024 йил	Ўзгариши (+,-)	Омиллар таъсирини қайта ҳисоблаш		
					1-омил	2-омил	3-омил
1.	Коммунал соҳада банд бўлган ходимларнинг меҳнат унумдорлиги, млн. сўм	126,0	228,5	+102,5	228,5	228,5	228,5
2.	Коммунал хизмат кўрсатувучи битта субъектга тўғри келадиган ходимлар сони, киши	1426,9	1599,0	+172,1	1426,9	1599,0	1599,0
3.	Коммунал соҳада 1 млрд. асосий воситаларга тўғри келадиган субъектлар сони	3,462	1,198	-2,264	3,462	3,462	1,198
4.	Коммунал хизматларга жалб қилинган моддий ресурслар самарадорлиги, млн. сўм (1қ*2қ*3қ)	622,3	437,7	-184,6	1128,8	1264,9	437,7

Мазкур жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, коммунал хизматларга жалб қилинган моддий ресурслар самарадорлиги 184,6 млн. сўмга камайган (437,7 – 622,3). Ушбу ўзгаришга учта омил таъсир қилган. Булар:

Биринчидан, коммунал соҳада банд бўлган ходимларнинг меҳнат унумдорлиги 102,5 млн. сўмга ошганлиги коммунал хизматларга жалб қилинган моддий ресурслар самарадорлигини 506,6 млн. сўмга оширган:

$$1128,8 - 622,3 = +506,6 \text{ млн. сўм.}$$

Иккинчидан, коммунал хизмат кўрсатувучи битта субъектга тўғри келадиган ходимлар сонининг 172,1 кишига ошганлиги коммунал хизматларга жалб қилинган моддий ресурслар самарадорлигини 136,1 млн. сўмга оширишга муваффақ бўлган:

$$1264,9 - 1128,8 = +136,1 \text{ млн. сўм.}$$

Учинчидан, коммунал соҳада 1 млрд. асосий воситаларга тўғри келадиган субъектлар сонининг 2,264 бирликка камайиши коммунал хизматларга жалб қилинган моддий ресурслар самарадорлигини 827,2 млн. сўмга камайишига олиб келинган.

$$437,7 - 1264,9 = -827,2 \text{ млн. сўм.}$$

Барча омиллар таъсири натижа, яъни коммунал хизматларга жалб қилинган моддий ресурслар самарадорлигинининг умумий ўзгаришига тенг бўлган:

$$506,6 + 136,1 - 827,2 = -184,6 \text{ млн. сўм.}$$

Мазкур ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, танлаб олинган учта омил таркибида иккитаси натижа кўрсаткичига ижобий таъсир қилган бўлса, биттаси, яъни учинчи омил салбий таъсир қилган. Агар ушбу омил салбий таъсир қилмаганда эди, натижа кўрсаткичи, яъни коммунал хизматларга жалб қилинган моддий ресурслар самарадорлигини 2024 йилда яна 642,7 млн. сўмга (506,6+136,1) ошган бўлар эди. Ушбу ҳолда натижа кўрсаткичи 2024 йилда 437,7 млн. эмас, балки 1080,4 млн. сўмни (437,7 + 642,7) ташкил қилган бўлар эди. Ушбу ҳолатда коммунал хизматларга жалб қилинган моддий ресурслар самарадорлигинининг ўсиш суръати 2024 йилда 2020 йилга нисбатан 70,3 % эмас (437,7 * 100 / 622,3), балки 173,6 %ни (1080,4 * 100 / 437,7) ташкил қилган бўлар эди. Демак салбий таъсир қилган омилларга асосий эътиборни қаратиш ва унинг салбий таъсирини бартараф қилиш чораларини кўриш лозим бўлади.

<p>О.Пардаев</p> <p>Факторы, влияющие на повышение эффективности коммунальных услуг и способы их определения</p> <p>Аннотация. В статье рассматриваются факторы, влияющие на повышение эффективности предоставления коммунальных услуг, и способы их определения. При этом рекомендуется разделить факторы, влияющие на изменение эффективности предоставления коммунальных услуг на четыре группы: экономические, социальные, технические и экологические, а также раскрывается их содержание и направленность показателей, входящих в каждую группу.</p> <p>Ключевые слова: коммунальные услуги, экономическая эффективность, социальная эффективность, техническая эффективность, экологическая эффективность, факторы, мультипликативная модель, цепная подстановка.</p>	<p>O.Pardaev</p> <p>Factors influencing the efficiency of utility service provision and methods of determining them</p> <p>Abstract. This article examines factors influencing the efficiency of utility service provision and methods for determining them. It recommends dividing the factors influencing changes in utility service efficiency into four groups: economic, social, technical, and environmental. The article also describes their content and the focus of the indicators included in each group.</p> <p>Keywords: utilities, economic efficiency, social efficiency, technical efficiency, environmental efficiency, factors, multiplicative model, chain substitution.</p>
--	---

Sanjar Baxronkulovich Boboqulov – SamISI Raqamli iqtisodiyot kafedrası dotsenti, iqtisodiyot fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD).

SAMARQAND VILOYATIDA UY-JOY KOMMUNAL XIZMAT KO‘RSATISHNI DAVLAT TOMONIDAN TARTIBGA SOLISH MEXANIZMINI TAKOMILLASHTIRISH

Annotatsiya. Mazkur maqolada Samarqand viloyatida uy-joy kommunal xizmat ko‘rsatishni davlat tomonidan tartibga solish mexanizmlarini takomillashtirishning tashkiliy va iqtisodiy jihatlari tahlil etiladi. Shuningdek soha faoliyatini rivojlantirish bo‘yicha taklif va tavsiyalar ishlab chiqqan. Taklif etilayotgan mexanizmlar kommunal xizmatlar sifatini oshirish, boshqaruvni shaffoflashtirish va resurslardan oqilona foydalanishni ta‘minlashga xizmat qiladi.

Kalit so‘zlar: uy-joy kommunal xo‘jaligi, davlat tomonidan tartibga solish, boshqaruv mexanizmi, kommunal xizmatlar sifati, infratuzilma modernizatsiyasi, raqamlashtirish, moliyaviy barqarorlik, strategik rivojlanish, institutsional islohotlar.

Kirish. Samarqand viloyatida uy-joy kommunal xizmatlarini tartibga solish tizimini takomillashtirish, eng avvalo, mavjud infratuzilmaning texnik darajasi, xizmat ko‘rsatuvchi korxonalar boshqaruv imkoniyatlari va aholining real ehtiyojlari o‘rtasida kuzatilayotgan tafovutlarni bartaraf etishni talab qiluvchi kompleks yondashuvga asoslanadi. Bizningcha, zamonaviy davlat tartibga solish modeli iqtisodiy hamda institutsional mexanizmlar uyg‘unligiga tayanib, resurslardan oqilona foydalanish, tariflarning oshkoraligi, xizmat sifati bo‘yicha javobgarlikni kuchaytirish va raqobat muhitini shakllantirish kabi ustuvor yo‘nalishlarni o‘z ichiga oladi. Viloyat darajasida tartibga solish mexanizmini yangilash ehtiyoji, avvalo, mavjud normativ-huquqiy me‘yorlarni qayta ko‘rib chiqish, xizmat ko‘rsatuvchi tashkilotlar ishini hududning o‘ziga xos sharoitlariga mos keladigan standartlar asosida boshqarish zarurati bilan izohlanadi. Suv ta‘minoti, issiqlik ta‘minoti, gaz ta‘minoti, elektr ta‘minoti, chiqindilarni boshqarish va boshqa kommunal xizmat turlari bo‘yicha sifat talablarini yangilash, avariya darajasini kamaytirishga qaratilgan texnik reglamentlarni tatbiq etish, korxonalar faoliyatini litsenziyalash tartibini optimallashtirish davlat ishtirokining ustuvor vazifalaridan sanaladi. Shu bilan birga, davlat-xususiy sheriklik mexanizmlaridan foydalanib, xususiy operatorlarni jalb etish xizmatlar samaradorligini oshirish, investitsiya oqimini ko‘paytirish va infratuzilmaning modernizatsiya imkoniyatlarini kengaytirishga yordam beradi.

Xususan, O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev tomonidan 2020 – yil 5 – oktabrda qabul qilingan “Raqamli O‘zbekiston – 2030” Strategiyasida to‘g‘risidagi PF-6079-son Farmonida “aholiga axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini joriy etish orqali uy-joy

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

10.12.2025 йилда теришга берилди. 16.12.2025 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табоғи 14,6. Ҳисоб-нашриёт
табоғи 13,75. Адади 100 нусха. Буюртма № 0143А/25

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2025.